
АФСУСКИ, ШИФОХОНАЛАРДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДАН ДАВОЛАНАЁТГАН БЕМОРЛАР 5000 НАФАРДАН ОШДИ

Афсуски, шу йилнинг 12 июль куни мамлакатимизда 484 ҳолатда касаллик қайд этилган. Шундан 219 нафари карантин муассасаларида, 265 нафари аҳоли орасида аниқланган. Шу билан бирга, бугун Тошкент шаҳрида 3 нафар коронавирусга чалинган бемор вафот этди.

Аввал хабар қилганимиздек, бугун Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларидаги тиббиёт муассасаларида 129 нафар фуқаро соғайди. Ҳозирда касаллик қайд этилган жами 12997 нафар бемордан 7852 нафари соғайиб, даволаниш кўрсаткичи 60 фоизни ташкил этмоқда. Айти пайтда тиббиёт муассасаларида даволанаётган 5085 нафар бемордан 43 нафари оғир, 7 нафари эса ўта оғир аҳволда.

Ҳозирда мамлакатимизда уй карантинида 50 253 нафар, стационар карантинда эса 25 482 нафар фуқаро тиббий кузатувда бўлиб турибди.

2020-07-13 09:10:57